

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 40 (66269)
2000 йил 5 октябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

ЙЎЛИМИЗ БИР, МАҚСАДИМИЗ БИР,

-деди Турсунали ҚУРБОНОВ, Фаргона вилояти,
Халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

Матбуот одамларни бир -бирига яқинлаштиради. Ҳар-бир зарра куёшдан баҳраманд бўлганидек, билимсиз ўтмишга ҳам, келажакка ҳам боқиб бўлмайди. Тоғлардаги садо эшитганини такрорлаганидек, болалар ҳам таълим ва тарбияда меҳнатларимиз маҳсулининг давомчиларидир. Шунинг учун ҳам маорифчи эътиқодидан адашмаган инсон бўлиши керак.

Бизга истиқлол кўп эркинликлар берди. Жумладан таълим тизимида ҳам янги имкониятлар буйи кўрсата бошлади. Лицей ва гимназиялар, коллежлар каби янги ўқув масканлари ўқувчиларимизни бағрига олди.

Биргина китобнинг таъсири оламга нур берганидек, маориф соҳасида ҳам янги имкониятлар билимларни мустаҳкамламоқда.

Бизнинг Фарғона вилоятимизда, ҳозирги кунда Халқ таълими соҳасидаги 54 та лицей ва гимназиялар бор. Бу ўқув жойларида халқимизнинг 17 мингдан зиёд фарзандлари таълим ва тарбия олмақдалар. Ўтган йили вилоят кўрсаткичи бўйича бу таълим масканларида 1564 нафар битирувчиларнинг 67 фоизи олий ўқув юртларига қабул қилинди. Шу ардоқли ватанни боболаримиз асраб-авайлаб бизга қолдирганлар. Биз эса авлодларга шу буюк ватанни яна ибратли томонларини кўрсатмоғимиз шарт. Ана

шулар ҳақида ўйлар эканман, фаолият кўрсатаётган ибратга лойиқ билим даргоҳлари ҳақида фахрланиб гапирма оламан. Жумладан, Фарғона шаҳридаги 1- вилоят мактаб интернати, Марғилон шаҳридаги "Истиқлол" ва 2-лицей, Фарғона туманидаги 1-лицей, Бувайда туманидаги 2-вилоят иқтидорли мактаб интернати, Қўқон шаҳридаги ихтисослашган махсус мактаб интернати, Тошлоқ туманидаги 1-мактаб интернати, Фурқат туманидаги иқтидорли болалар мактаб интернати битирувчилари яхши натижаларга эришиб, 90-95 фоизи олий ўқув юрти талабалари бўлдилар.

2005 йилга мўлжалланган режалар асосида миллий дастурда кўрсатилганидек, вилоятимизда ҳам замонавий ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қуриш кўзда тутилган. Ҳозир биз мана шундай ўқув масканларида ота-оналар талаби юқори эканлигини билсақда, гимназия ва лицейлар учун имкониятларимиз ҳали етарли эмас. Масалан, Учкўприк туманидаги 1-иқтидорли ўғил болалар мактаб интернатида атиги 280 нафар ўқувчиси бор. Талаб эса юқори. 2001 йилдан бундай гимназиялар учун синф хоналар сонини кўпайтириш ва бинони кенгайтириш масаласи ҳал этилади. Мен таълим тизи-

мини худди океанга ўхшатгим келди. Негаки, океан қирғоқларини фақат дур-гавҳарлар билан безаб бўлмаганидек, болалар билимини ҳам бирдек баҳолаб бўлмайди. Мактаб ва мактабгачи таълим масканларидаги муаммолар ҳамон бизни ўйлантирмоқда. Ҳозир ҳар бир ота-онанинг мақсади боласини ихтисослашган мактабда ўқитишдир. Шунда мен ўйла-ниб қоламан. Ўрта мактаб ҳам болани етук шахс қилиб тарбиялай оладиган азиз ва қадрдон даргоҳ эканлигини унутиб қўймаймизми? Бола қаерда билим олмасин аввало ўзидаги эътиқоди бутун бўлсин. Балки шунинг учундир, маориф элнинг эътиқодига айлангандир. Эътиқод софлиги маънавий соғломликдир. Ҳар бир бола матбуот янгиликларидан хабардор бўлиши учун биз имкониятлардан тўлиқ фойдаланаямиз. Мен кўп йиллик маорифчи сифатида биламанки, бадий китоб ўқишга эринган бола албатта газета ва журналлар ўқийди. Бу йўлда ҳам бола фикри теранлашиб боради. Ҳатто, болаларнинг ижодкорлик билан ҳам шугулланиши ҳар бир бола бир истеъдод эканлигини кўрсатади. Мактаб ўқувчиларини матбуот билан яқинлаштиришда маорифчи ва матбуотчилар йўлимиз ҳам, мақсадимиз ҳам бир эканлигини айтмоқчиман. Чунки матбуот болаларни ҳақиқат жарчисига айлан-тиришда катта кўмакчидир. Шунинг учун ҳам вилоятда газета-журналларга обуна ишига бефарқ қарай олмайман.

Мазмура МАДРАҲИМОВА
ёзиб олди.



МАШҲУР ОДАМ
БЎЛАМАН

Мактабимиз Полимелит ва ДЦП касаллиги билан оғриган болаларга ихтисослашган махсус мактаб-интернат бўлиб, бунда ўқувчилар кучли билим олиш билан бирга, даволаниб ҳам келадилар.

XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларини интернатимиз ўқувчилари билан қолдирмай кўриб бордик.

Дастлаб юртдошларимизнинг мағлубиятлари бизни жуда тушкунликка тушириб юборган бўлсада, ойнаи жаҳон олдида сира жилгимиз келмади. Ва ниҳоят Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг чиқишини томоша қилар эканмиз, боксчининг рақибига бераётган ҳар бир зарбасини қарсақлар билан олқишладик. Ўйин тугашига яқин барча кўз ҳаяжонимизни боса олмай телевизиорга янада яқинроқ ўтириб олдик. Ҳатто, иккита кўлтиқтаёқда зўрга юрадиган Отабек ҳам ўзи билмаган ҳолда кўлтиқтаёқсиз ўрнидан туриб кетганди. Бунинг сезиб, тарбиячи опамиз йиқилиб кетмасин, дея унга яқинроқ туриб олдилар. Ўйин тугаши билан барчамиз бир-биримизни кучоқлаб табриклай кетдик. Бизни қувонаётганимизни кўрган тарбиячи опамиз сизлар ҳам келажакда шу акангиздек Ўзбекистонимизни жаҳонга танитадиган инсон бўлишингиз мумкин. Бунинг учун ўзингизни тетик тутиб ва албатта соғлигингизни мустаҳкамлаш учун спорт билан шугулланишингиз керак, - дедилар.

Мен ҳам ўз олдимга катта мақсад қўйдим: келажакда Муҳаммадқодир Абдуллаевдек кучли, бақувват, юртбошимизнинг ишончини оқлайдиган, ўзбегимнинг ўзлигини намоён қилувчи Ватанимга керакли инсон бўлиб етишаман.

Ихтиёр Маҳсудов,
Тошкентдаги 100-махсус мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси.

ЎТган йил такрорланмас.

-деди Наманган вилояти, Халқ таълими бошқармаси
бошлиғи Дилшода опа ДАДАЖОНОВА.



Вилоятимиз ўқувчилари билимга чанқоқ. Улар ўз газеталари «Тонг юлдузи»ни севиб ўқийдилар. Бироқ, биз педагоглар газета обунасига бефарқ бўлмай, доимо назорат қилиб туришимиз керак.

Яширмайман, 2000 йил бошида қайси газета-журнал тахририяти обуна билан мурожаат қилса ўшанга куч бердик. Бироқ, болаларнинг газетаси «Тонг юлдузи» биров четда қолди, назаримда.

Навбатдаги обуна мавсумида бу иш такрорланмайди. Чунки улар Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетасини албатта ўқишлари керак.

Газетани кузатиб бораман. Вилоят ўқувчиларидан келаятган хат-барлар, танқидий мақолалар мени қувонтиради. Аммо наманганлик ўқувчиларнинг хат-хабарларини жуда кам ўқийман. Бизда ҳам кўз-кўз қилса арзигулик тадбирлар, учрашув ва беллашувлар кўп бўлиб туради. Уларни ёритиш учун эса газетага мактуб йўллаш керак. Бунинг учун газетани мунтазам ўқимоқ шарт. Айрим кутубхоналарга кирганимизда «Тонг юлдузи» газетасининг таҳлами у ёқда турсин, бир донасини ҳам тополмаймиз. Бу ҳам бўлса бизнинг айбимиз - обунани яхши йўлга қўйолмаганимиз.

Вилоятимиз педагоглари 2001 йил учун газета ва журналлар қатори «Тонг юлдузи» газетасининг обунаси учун жиддий иш бошлаб юборишди. Янги йилдан бошлаб газетани ҳар бир синф албатта ўқийди. Барча кутубхоналаримиз газетага обуна бўладилар. Ҳозир айни пахта териш мавсуми. Мактаб ўқувчилари ҳам дарсдан бўшаган вақтларида ота-оналарига ёрдам бераёптилар. Шундан тушган маблағ хисобига ўз газеталарига обуна бўлишни унутмайдилар, деб ўйлайман. Бу борада етакчиларимиз албатта жонбозлик кўрсатишади.

Ахир газета ва журналлар ўқиш - маънавиятни бойитиш демакку! Маънавиятли инсон ҳамиша эзгу ишлар йўлида хизмат қиладди.

Феруза ОДИЛОВА ёзиб олди.

“НИҲОЛ” ҲАЯЖОНИ

Ойнаи жаҳон орқали Халқлар дўстлиги саройидан олиб берилган “Ниҳол” кўрик танловини кўриб, унинг ҳаяжони ва қувончларига шерик бўлдим. Тантана маънавиятимизга чуқур таъсир қиладиган мавқеда ўтказилди. Севимли хонандаларнинг “Ниҳол” совриндори бўлгани ўз йўлига, аммо ана шу совринларни топшириш жараёнини жуда уддалашибди. Баъзан шундай соврин ва унвонлар ҳам бўладики, ўзининг қадри даражасида етказилмай ҳам қолади. Мен бу гапни сеvimли хонандам Тоҳир Содиқов сўзларидан келиб чиқиб айтаямман. Тоҳир Содиқов ҳаяжон билан “Бу унвон менинг ҳаётимда катта янгилик бўлди, - деди, - чунки бу менга берилган биринчи унвон”. Беихтиёр ўйлаб қолдим. Наҳотки менинг, тенгдошларимнинг, қолаверса ака ва опаларимнинг сеvimли хонандасига айланган Тоҳир Содиқов ҳеч қанақа унвон ёки мукофот олмаган бўлса?! Чунки ўзи шеър ёзиб, куй басталаб ўн йил давомида Ўзбекистон ёшларининг кўнглини кўтарган Тоҳир Содиқов аллақачон биз ёшлардан ўз унвонини олган эди-ку! Қолаверса “Болалар” гуруҳининг ташкил топганига 10 йил бўлди. Аммо, ойнаи жаҳон орқали 2-3 маротаба кўриниб, 2-3 йилда “хизмат кўрсатган артист” бўлиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу фикримга сиз нима дейсиз?

Абдуҳамид АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик
Институтининг талабаси.


МАҲТУ МАМБАЛА

ШАБРИК

Мен "Шош қонди" газетасини муштазам вақтида ўқиб борман ва кўпчилик ўз устозлари ҳақида ёзганларини ўқийман. Бундан эса ўзим ўз устозим ҳақида ёзмоқчиман. Бу улуғ инсон Шайхонтоқсур туманидаги Жафар Алик маъдасинини 320-мактабда оқитилган ва адабиёт фанидан дарс берувчи Дилнора опа Хлмасовадир. Устозимнинг дарс беришлари, сўзлашлари ва муаммаларни ҳал қилган ёдидан кўнмайди. Устозимга бизга берган таълимлари улуғ қадриятимиз. Шу қаторда барча устозларимизни мураббийлар байрами билан таъбриклиман. Ўзларини қадриятимиз билан таъбриклиман.

Гулноза МАМАНЖОНОВА

Миробод туманидаги 294-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.



Меҳр ва шафқатга бой ўқитувчилар кўп ютуққа эришадилар. Буни мен ўз мактабим жамоасида кузатаман. Биргина бу йилги республика олимпиадасида уч ўқувчимиз голибликни кўлга киритди.

Мактабимизда 2650 нафар ўқувчи билим олади. Юқори синфларга шаҳардаги энг иқтидорли болалар танлов асосида қабул қилинади. Бизда математика, информатика, физика, Ватан туйғуси, химия, биология, чет тили каби фанлар чуқурлаштирилиб ўқитилади.

Ўқувчиларимизга 165 нафар ўқитувчи, шулардан 53 нафари олий тоифалилар билим беришади.

Бундан ўттиз йил олдин худди шу мактабга ўзбек синфлари учун илмий мудир бўлиб ишга келгандим. Аслида мактабда ҳали ўзбек синфи йўқ эди. Мақсад, рус мактабларида ҳам ўзбек синфларини ташкиллаш бўлди.

Ўшанда директор бўлиб ишлаётган устозим София Абдурахмонова менга бу ишни ишониб топширгандилар. Бу орада София опа ҳам қараб турмадилар. Эрта тонгдан Тошкентнинг турли бурчақларидан ўзбек болаларини мактабга етаклаб келадиган бўлдилар.

Дарслар тугагач эса улар менга ўқувчиларни топширар ва уйларида кузатиб қўйишимни тайинлардилар. Секин-аста хоҳловчи ўқувчилар сони кўпая бошлади.

Ўқувчиларнику тўпладик-а, бироқ бизга тажрибали, ўқитувчилар керак

эди. Шунда София опа «Яхши ўзбек тили ўқитувчисини ўзимизнинг жамоамиздан изланг. Улар мактабнинг паст-баландини биладилар. Ўқитувчиларимиз орасида кучлилари жуда кўп», дея рус синфларига ўзбек тилидан дарс бераётган Шарифа Носировани алоҳида тилга олгандилар.

Устозим София опанинг гаплари қанчалик тўғри эканлигини йиллар исботлади. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Шарифа опа бугунги кунда ҳам барча ўқитувчиларимизга ўрнак бўлаётган устозлардан биридир.

Бу каби жонкуяр устозлар мактабимизда талайгина. Уларга ёш муаллимларимизни бириктириб қўйганмиз. Ҳар қанча ёрдам бўлса, сира вақтларини аямайдилар. Чунки устозларнинг аксарияти София опадан тарбия олган.

Республикамиздаги барча маорифчиларни, устозларни ва албатта мактабимиз жамоасини 1 октябрь-Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан қутлайман. Уларга соғлиқ ва омонлик тилайман.

Ишонаманки, барча педагоглар Мустақил Ватанимизнинг равнақи учун ҳалол хизмат қиладиган фарзандларни тарбиялашда ўзларининг ўткир билимларини, меҳрли кўзларини, ширин сўзларини аямайдилар. Зеро, устоз сўзи мангу машъаладир.

Шоҳида Ёқубжонова,
Тошкент шаҳар,
Миробод туманидаги
110- мактаб директори сўзларини
Феруза ёзиб олди.

УСТОЗИМ ТУТГАН КЎНФИРОҚ

Илк бора мактабга қадам қўйганимда мени биринчи устозим Сайёра опа Суннатова қарши олганлар. Улар шу қадар меҳрибон эдиларки, уни таърифлашга тилим ожиз. Синфдошларим билан биргаликда бизга ажратилган жойда туриб биринчи кўнғироқни ким чалар экан деб турган эдик. Шунда Сайёра опамлар келиб мени ўртага чиқариб қўлимга кўнғироқни тутқаздилар. Жудаям кўрқибми, ҳаяжонланибми, билмадим, жуда бошқача бўлиб кетганман. Сўнг мени катта синфда ўқийдиган ўқувчи кўтариб елкасига қўйганча даврани айлантириб чиққан.

Шу-шу биринчи устозимни, биринчи кўнғироқни ва ўша вақтдаги ҳаяжонимни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Устозим Сайёра опамларга эса соғлиқ-саломатлик, ишларида ривож тилайман. Биз каби ўқувчиларига сабоқ беришда ҳеч ҳам толмасинлар, дейман.

Гулноза МАҚСУДОВА,
Тошкент вилояти, Тошкент
туманидаги 25-мактабнинг 7-
синф ўқувчиси.



Устоз ҳақида сўз

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш рақиб ила,
Айламай бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Бизга таълим бераётганлар ҳақли равишда бизнинг устозларимиз деб аталади. Образли қилиб айтганда, устоз замонларни бир-бирига боғлайди, у бўғинлар занжиридаги бир ҳалқадир. У ҳозирги замон эстафетасини келажакка элтиб беради, дейиш мумкин. Бу эса уларнинг меҳнатини ана шундай мароқли ва ҳақиқатан ижодий меҳнатга айлантиради. Мустақил юртимизда шундай ўз касбининг фидойилари кўпайиб учрайди. Пойтахтимиздаги Олим Хўжаев номли 21-мактабда ҳам шундай устоз-мураббийлар кўп йиллардан бери салмоқли меҳнат қиладилар. Ёш авлодни ватанга муҳаббат, маънан бой, меҳнатсевар, ўз халқига фидойи фарзанд бўлиб ўсиб-улғайишида устозлардан Сирожиддинова Маъмура опа ва Абдурахмонова Маҳмуда опалар кўп йиллар давомида ишлаб келадилар. Маъмура опа 1986 йил 21-мактабга физика ўқитувчиси бўлиб ишга келганлар. Самарали меҳнатлари, ташкилотчиликлари туман таълим бошқармаси томонидан инобатга олиниб 1989 йил мактаб директори лавозимига кўтарилганлар. Самарали меҳнатлари учун "Халқ таълими фидойиси" фахрий ёрлиқлари билан тақдирланганлар. "Менинг ишончим комилки, ўқитувчиларимиз орасидан келажакда Улугбек, Беруний, Алишер Навоий, Нодира каби алломалар етишиб чиқади" - дейдилар Маъмура опа биз билан суҳбатда.

Яна бир ажойиб инсон - Абдурахмонова Маҳмуда опадир. 1975 йил мактаб очилганда шу мактабга химия, биология ўқитувчиси бўлиб ишга кирганлар. Ўта билимдон, ўқувчиларга меҳрибон устоз 1977 йил таълим тарбия ишлари бўйича директор муовини лавозимига кўтарилганлар. Мана 23 йилдирки шу лавозимда ишлаб келмоқдалар. Улар ҳам кўп йиллик меҳнатлари учун Ўзбекистон халқ таълими аълочилиги бўлганлар. Москвада ўтказилган "Мактабда кўкаламзорлаштириш ишлари" бўйича танловда бронза медали олганлар. 1998 йил эса "Таълим фидойиси" унвонига сазовор бўлганлар. Ўқитувчиларга меҳрибон устознинг Юнус-Обод туманининг фахрийлар дафтарида номлари ёзилган.

"Фикримча, чиройли ҳайкалча ясаб, унга ҳаёт бахш этмоқлик яхши: аммо ёш инҳилия улғайтириш, ёш қалбини ўзига ҳос шакллантириш, унда адолат туйғусини жонлантириш янаям яхшидир. Чунки Мустақил Ўзбекистоннинг келажакда мана шу ёшларнинг қўлидадир", дейди устоз Маҳмуда опа.

Мен фурсатдан фойдаланиб барча тенгдошларим номидан устозларимни байрамлари билан чин юракдан қутлайман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ-умр, ёш авлодни тарбиялашдек ишларида улкан зафарлар тилайман.

Муниса НИШОНОВА,
Тошкент шаҳридаги 21-мактаб ўқувчиси.

МЕНИНГ ШАРОФАТ ОПАМ

Мен асли бухороликман. Тақдир тақозоси билан яқинда Тошкентга кўчиб келдик. Янги ўқув йилини пойтахт мактабда бошлаб юбордим.

Айни кунларда илк қадам босган жонажон мактабимни, синфдошларимни ва албатта биринчи устозим - Бухоро тумани Галаосиё шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Шарофат опа Сатторовани жуда-жуда соғинганман.

Севимли устозим Шарофат опа! Айни кунларда мен сиздан жуда узоқда бўлсам ҳам, сизнинг меҳрли сўзларингиз қулоғим остида ҳамиша жаранглайди. Сиз бизга Ватани, онани севишга ўргатдингиз. Доимо тўғри сўз бўлишга чақирдингиз. Бетоб бўлиб турсангиз ҳам бизга кўзингиз қиймай, дарс бердингиз.

1 октябрь сизнинг касб байрамингиз. Фурсатдан фойдаланиб сизни ўқитувчилар куни билан табриклайман.

Опажон, доимо соғ-саломат бўлинг. Биз каби болаларга таълим-тарбия беришда сира чарчаманг, зерикманг.

Шоҳруҳ АСАДОВ,
Тошкент шаҳар, Миробод
туманидаги
154-мактаб ўқувчиси.

МЕНИНГ ФАХРИМ

Забира Шертаева билим юртини тугатиб, 6- мактабга ишга келди. Бироқ қишлоқ мактабининг кўнғироқидек эмасди.

Забира ишни ўқувчиларнинг оилавий шароитини ўрганишдан бошлади. Ўзлаштириши суёт ўқувчиларни навбатма-навбат дарсдан сўнг алоҳида машғулот ўтди. Турли тарбиявий ўйинлар ташкил қилди. Барча байрамларга дастур тайёрлаб, намоиш этди. Ўз концерт дастурларини мактаб яқинида жойлашган Янгийўл шаҳар босмаҳонаси ишчиларига тақдим этди. Бундан хурсанд бўлган ишчилар ўқувчиларга янги ўқув йили учун ўқув қуролини совға қилдилар.

Йил охирига бориб, аълочилар сони ўнтага, яхшилар ўн бештага ортди.

Забира сира тинч ўтирмайди. Болалар билан саёҳатларга чиқади. Кўплай ёдгорликлар тарихи билан таништиради. Мен шогирдим билан фахрланаман. Чунки у энди ўз тақдирини болаларсиз тасарвув қилолмайди.

Мухайё ТУЛАГАНОВА,
Янгийўл туманидаги
3- мактаб ўқитувчиси.



-Назокат опа, марказингиз очилганига қанча бўлди?

-Марказимиз очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу йил Республи-

яқиндан танишамиз. Шу муносабат билан 20 сентябдан 25 сентябрь кунлари марказимизда Франция делегациясининг машгулотлари бўлиб ўтди.

2000 йил - соғлом авлод йили

НОГИРОНЛАР НИТОРОН ЭМАС

Назокат Суярова- Кашқадарё вилояти Фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш умр жамоатчилиги маркази раиси билан суҳбат.

када апрель ойида, вилоятимизда эса май ойида очилган.

-Марказни очишдан мақсадингиз нима эди?

-Ногирон болаларни ижтимоий-тиббий ҳимоялаш, уларни соғлом болалар билан биргалликда ўқитиш, яъни тўғарақларда, боғчаларда, мактабларда соғлом болалар билан фикр алмашиши учун шароит яратиш, уларнинг орасидан эса иқтидорли болаларни топиш эди. Ўзимиз вилоятдаги шиғохонлар, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари билан ногирон болаларни излаб топамиз, улар билан

-Назокат опа, нима учун ишбу марказни тузишга қизиқиб қолгансиз?

-Мен авваллари билим юртида одобнома, этика ва эстетика фанларидан дарс берардим. Тақдир тақозоси билан "Қизил ярим ой" жамғармасига таклиф этишди. У ерда ишлаб юрган вақтларимда ногиронлар олдига тез-тез бориб турардим. Биринчи марта борганимда ўзимнинг етти мучалим бутлигидан хурсанд бўлиб кетдим. Мени "Қизил ярим ой" жамғармасида Ўктам опа қўллаб-қувватладилар ва йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Кўплаб дори-дармонлар берар эдилар, бизлар эса уларни шиғохо-



наларга бериб келардик. Ногирон болаларга ҳомийларимиз томонидан соғломлар топширардик. Шундан сўнг Фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш умр жамоатчилиги марказини тузишга қарор қилдим. Ва ниҳоят орзуимга эришдим...

-Биз ҳам қилаётган савоб ишларингиздан хурсандимиз. Бундай марказлар эндиликда республикамизнинг барча вилоятларида очилишини истаб қоламиз. Ишларингизда эса муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Суҳбатдош

Нигора МИРЗАМУҲАМЕДОВА

Болаларнинг қувончи, Ўзингдир "Тонг юлдузи". Сермаъно бир ҳазина, Сўзингдир "Тонг юлдузи"м.

Саҳифаларинг ўқиб, Қувониб кетар кўзим. Сендан фикримдир тиниқ, Дона-дона ҳар сўзим.

Латифа-ю ҳандангдан Мен мириқиб қуламан. Сени ўқисам гўё, Дўст-ла суҳбат қураман.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА, Тошкентдаги 22-мактаб ўқувчиси.

"Тонг юлдузи" газетасига



Дўппилар қадим-қадимдан ўзбек халқининг севиб, ардоқлаб киядиган миллий бош кийимидир. Айтишларига қараганда, дўппиларнинг қачон пайдо бўлганлиги маълум эмас, лекин ҳозирги давргача уларнинг шакли, кўриниши, тикиш усуллари ўзгариб, такомиллашиб келган.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларида, туманларида дўппи тикишнинг ўзига хос усуллари ва гул тикиш йўллари мавжуд. Дўппилар айнан шу сабабдан Тошкент дўпписи, Чуст дўпписи, Марғилон дўпписи, Бухоро дўпписи Бойсун дўппилари деб аталади.

Ўзбекистон дўппиларининг қайси бир хилини қўлингизга олиб қараманг, беихтиёр гул, безакларнинг сирли жилоларидан қўлингизни ололмайсиз. Бу албатта буюмнинг чиройида эмас, балки шу дўппиларга қўшиб тикилган орзу-умидларнинг сеҳрида ҳамдир. Маданий меросларимиз ўзгача қадр топаётган ҳозирги даврда онахонларимиз тиккан дўппиларни нафақат кийиш уларни тикишни ўрганишга ҳам иштиёқ сезилиб турибди.

Мен ёзги таътилда Самарқандда дам олиб келдим. Ва у ерда Жомбой тумани, 51-ўрта мактабда ўқиётган қизлар билан суҳбатлашдим:



Муштарий Икромова, 7-синф ўқувчиси.

-Муштарий, сизга дўппи совға қилишганми?

-Албатта, бувижоним совға қилган чиройли дўппим бор. Мен уни кийимларимнинг ичида авайлаб-асраб, фақат байрамларда кияман.

-Ўзингиз дўппи тикишни биласизми?

-Йўқ, билмайман, лекин ўзим дўппи тикишни билишни жуда хоҳлардим. Шу йил таътилда бувим устоз изладилар, минг афсуски, дўппи тикишни биладиган ёки ўргатадиган киши топилмади.

Махлиё Абдурахмонова, 2-синф ўқувчиси.

-Махлиё сизнинг ҳам дўппингиз борми?

-Ҳа, ойижоним келинлик дўпписини совға қилганлар. У дўппи жуда чиройли, қараб туриб ҳавасим келади. Ҳозирча менга бир оз каттароқ, лекин шундай бўлса ҳам ҳар замон кияман. Дўппи кийишни жуда яхши кўраман. Мен биринчи синфга туманда имтиҳон топшириб, ёшимга нисбатан олдин борганман. Бу йил 97



КАТТАМАР, ЭТЛИК ВЕКИНГ

СИЗГА ДўППИ СОВҒА ҚИЛИШГАНМИ?

ёшга кираётган катта онажоним борлар. Улар доим менга - "Асал қизим, бошинга дўппи кийиб юргин, дўппи ёмон кўзлардан асрайди, аълочи бўласан. Бош кийимингни ерга ташламай, авайлаб-асрасанг, бошинга давлат кўнади", деб тайинлайдилар.

-Қандай яхши, ўзингиз ҳам дўппи тикишни билишни хоҳлармидингиз?

-Албатта, агар дўппи тикишни билганимда эди, кўп дўппи тиккан бўлар эдим. Энг чиройлисини ойижонимга совға қилар эдим, чунки, уларга дўппи жуда ярашади-да!

Дилнора Пўлатова 4-синф ўқувчиси.

-Дилнора, сизга ҳам дўппи совға қилишганми?

-Ҳа ўзингизга маълум, Самарқандда келинлар дўппи кийишни яхши кўришади, тўйларидан кейин ҳам бир-икки йил чиройли кўйлақлари билан дўппи кийиб юришади.

-Мен ҳали мактабга бормас эдим. Раҳматлик Жамила аммам келин бўлдилар, улар шунақа чиройли эдилар-ки, ҳеч кимга ўхшамас эдилар. Тўйларидан кейин келин қақирққа дўппи кийиб келдилар, кўз ўнгимдан сира кетмайди, ўшанда уларнинг қошларида ўсма, тиллақошлари, дўппилари шундай ярашган эди, худди эртақлардагидек. Уларга ҳавасим келиб, "Аммажон мунчаям чиройлисиз",-дедим. Кейинги сафар меҳмон бўлиб келганларида менга ҳам дўппи совға қилиб кетдилар. Аммажонимдан менга мана шу дўппи эсдалик бўлиб қолди. Яқинда Зафар акам аммамга атаб шеър ёздилар:

Тушларимга кириб фаришталардек,
Соғинч ёшларимни секин артади.
Не учун ҳаётда яхши инсонлар,
Бу дунёни эрта ташлаб кетади?..

Дилдора Ҳамраева 7-синф ўқувчиси.

-Дилдора, дўппиларнинг қандай хилларини биласиз ва қайсилари сизга кўпроқ ёқади?

-Уرғут, Бухоро зардўзи дўппиларини, Тошкент ироқи дўппиларини биламан. Менга

тўртбурчак шаклидаги дўппилар кўпроқ ёқади. Дадамлар менга чиройли ироқи дўппи совға қилганлар.

-Сизнинг-ча, нима учун дўппиларни ҳар кун кийишмайди?

-Менимча, кўп кийилмаганлиги яқингача ҳукм сурган "замонавийликдан" бўлса керак. Лекин кам кийилганлиги билан жуда кўпчилик қизларнинг кийимлари орасида ўзлари ёқтирган дўппилари бўлган. Барибир ўзбек қизлари дўппи кийишни яхши кўришади ва кўпчилик қизлар дўппи тикишни билишни ҳам хоҳлашсалар керак.

-Ўзингиз дўппи тикишни биласизми?

-Йўқ, лекин дўппи тикишни билишни жудаям хоҳлар эдим. Насиб бўлса аям менга бирор устоз топиб бераман, дедилар.

Жонбойлик дугоналар билан қилган суҳбатимиздан кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бирида қайсидир яқин кишига яхши ниятлар билан совға қилган дўпписи бор ва айтиш мумкинки ҳар бирида момолардан қолган мерос - халқ амалий каштачилиги безак санъатининг ажойиб ўлмас тури бўлган дўппидўзлик ҳунарини ўрганишга иштиёқ катта.

Лекин, Самарқанд, Урганч дўппилари яхшигина ном чиқарган бўлсада, Самарқанднинг ҳамма туманларида ҳам дўппиларни тикишни билувчи уста чеварлар кам экан. Момоларнинг сўзларига қулоқ солсак, қадимда ўзбек хонадонида вояга етаётган ҳар бир қизга янгалар уй-рўзғор юмушларини тартиб билан бажаришни ўргатишар экан. Ўз жиҳозлари бўлган зардевор, палак, чойшаб, жойномоз, белбоғ, дўппиларни ҳам тикишни ўргатишар, ҳадис илмидан сабоқлар бериб, турмушга тайёрлашар эканлар.

Бизнинг янги давр қизлари мактаб ёшидаёқ чет тилларни билишади. Компьютерларни бемалол бошқара олишади. Шунингдек, ширин-шакар пишириқларни тайёрлай олишади. Лекин шу нарса сезилиб қолмоқдаки, баъзи жойларда миллий маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган каштадўзлик, гиламдўзлик, дўппичилик санъатини ўргатишга устозлар топилмайди... Бу сўзларимиз чевар момоларимиз, онахонларимизнинг қулоқларига етса-ю улар бағри кенглик қилсалар-у маҳаллаларда миллий маданий меросимизнинг юксалтиришга ҳисса қўшадиган хонадон тўғарақлари кўпайса. Дўппи кийган қизларимиз кўзимизни қувнатиб, палаклар, зардевору чойшаб, дорпеч, кирпечлар уйларимизни яшнатар эди.

Дилафрўз МУРОДОВА, Тошкент шаҳар, 51-мактаб гимназия, 8-"А" синф ўқувчиси

Бир ўқ атрофида айланар дунё

АМЕРИКАЧА ҲАЁТ ОР- ЗУСИДА ЖОНИНИ ҚУР- БОН ҚИЛУВЧИЛАР

Мексика ташқи ишлар вазири Росарио Грин хонимнинг таъкидлашича, фақатгина шу 2000 йилнинг ўзида АҚШ ва Мексика чегараларини ноқонуний равишда кесиб ўтаётган чоғларида ҳалок бўлган Мексика фуқароларининг сони 400 кишига етган. Маълумки, айти пайтда АҚШ ҳукумати томонидан ушбу давлатнинг барча чегараларини мустаҳкам қўриқлаш бўйича жуда қаттиқ чоралар кўрилмоқда. АҚШ қуроли кучлари қўриқлаётган чегараларни ноқонуний равишда кесиб ўтишнинг умуман иложи йўқ. Шу сабабли ҳам Америкадаги бахтли, тўкин-сочин ҳаётни истаган мексикаликлар ўз жонларини хатарга қўйиб, жуда ҳам хавфли йўللар орқали АҚШ ҳудудига ўтмоқдалар. Мексикаликлар асосан сарҳадсиз, охири йўқ чўллардан ўтишни афзал билмоқдалар. Аммо, уларнинг кўпчилиги бу саҳроларда иссиқдан, гипотермия касаллигидан ва сувсизликдан ҳалок бўлаётдилар. Мексикаликларнинг баъзилари ҳатто чегарадан оқиб ўтувчи Рио Гранде дарёсини ҳам сузиб ўтишга уриниб кўрдилар, лекин натижа фожиа билан тугади. Уларнинг деярли ҳаммаси сувга чўкиб кетишди.

Расмий маълумотларга қараганда, АҚШда яшайдиган 9 млн. мексикаликларнинг кўпчилиги бу ерда ноқонуний равишда истиқомат қилади. Ноқонуний иммиграция муаммоси кўп бора АҚШ ва Мексика муносабатларининг кескинлашувига олиб келган.

ОЛИМПИАДА ЯКУНЛАРИ

1-октябрь куни Сидней олимпиадасининг тантанали равишда ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни ўзбекистонлик боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медални қўлга киритди. У финал баҳсида АҚШлик Рикардо Уилямснни 27-20 ҳисобида енгиб, юртимизнинг дастлабки олтин медалини қўлга киритган ҳолда, ёруғ юз билан қайтди. Бу олтин медал, юртимиз вакиллари ёзги олимпиадада қўлга киритган дастлабки олтин медалдир. Юртимиз вакиллари 4 та медал билан ватанларига қайтишди. Улар 1 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларидир. Кумуш медалини кураш бўйича ватандошимиз Артур Таймазов қўлга киритди. Бронза медалларини боксчиларимиз Рустам Саидов ва Сергей Михалков қўлга киритдилар.

Сидней олимпиадасида олтин ва қолган барча медалларнинг умумий сони бўйича АҚШ спортчилари 1-ўринни эгалладилар. 2-ўрин россиялик спортчиларга насиб этди. 3-ўрин хитойлик спортчиларга, 4-ўрин австралияликларга ва 5-ўрин германияликларга насиб этди.

Биз ушбу қўлга киритилган 4та медал билан спортчиларимиз ва юртдошларимизни чин дилдан табриклаймиз.



МИЛОШЕВИЧМИ ЁКИ КОШТУНИЦАМИ?

24 сентябрь куни Югославия Республикасида президентлик учун сайловлар бўлиб ўтди. Президентлик учун номзод қилиб, 5 кишининг номи кўрсатилган эди. Лекин асосий кураш 2 номзод ўртасида борди. Улар, Югославиянинг ҳозирги Президенти Слободан Милошевич ва муносиб номзод, демократлар вакили бўлмиш Воислав Коштуницадир. Сайлов олдида пойтахт Белград кўчаларида бир неча кун давомида аҳоли томонидан тартибсизликлар бўлиб турди. Бу нарса, яъни намоёнлар сайлов пайтида ва сайловдан сўнг ҳам давом этди. Сайловнинг биринчи босқичига кўра, демократик партия вакили бўлмиш Воислав Коштуница 48 фоиздан кўпроқ овоз тўплади, Слободан Милошевич эса 40 фоиздан кўпроқ овоз тўплади. Югославия Республикасининг ва халқаро сайлов қонун-қоидаларига кўра, президентлик учун сайловда 50 фоиздан кам овоз тўлаган номзодлар президентлик учун иккинчи босқич сайловларда иштирок этишга мажбурдирлар, аҳоли эса қайтадан овоз беради.

Ушбу сайловдан сўнг АҚШ Президенти Билл Клинтон Милошевични айблаб, уни дарҳол истеъфо беришга чақирди. Унинг айтишича, Милошевич атайлаб, ҳокимият тепасида қолиш учун иккинчи босқич сайловини уюштирмоқда. Кўпгина халқаро кўзатувчиларнинг таъкидлашича, Югославиядаги сайловларда бир қанча қонунбузарликлар бўлиб ўтди. Демократлар тарафдори бўлган аҳоли Коштуницанинг ғалабасига буткул ишониб, иккинчи босқичда у етарли овоз тўлашини айтмоқдалар.

Яна Клинтоннинг таъкидлашича, агар Милошевич истеъфoga чиқса, Югославияга қўйилган ҳозирги иқтисодий санкциялар бекор қилинади.

БМТ бош котиби Кофи Аннан Югославиядаги сайловларнинг иккинчи босқичи турли хил қонунбузарликларсиз ўтишига ўзининг ишончини билдирди ва ушбу давлат раҳбарларини ҳаққонийликка чорлади.

Иккинчи босқич сайловлар 8 октябрь куни бўлиб ўтади.

ҒАРБИЙ БЕНГАЛИЯДА ЯНА БИР ТАБИИЙ ОФАТ

Бундан бир неча кун олдин Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия штатида кучли сув тошқини бўлиб ўтган эди. Сув тошқинлари ҳозирда ҳам давом этмоқда. Натижада, бу табиий офат аҳоли орасидан қурбонлар сонининг тобора кўпайишига олиб келаяпти. Шунингдек, сув тошқини Бангладеш давлатида ҳам бўлиб ўтди.

Ғарбий Бенгалиядаги ерлар 3 метр баландликдаги сув остида қолиб кетган. Тирик қолган аҳоли дараклар ва томларнинг устида жон сақламоқдалар. Ғарбий Бенгалияда ҳалок бўлганларнинг сони 700 кишидан ошган. Бангладешда эса ҳозирча 15 кишининг жасади топилди.

Сув тошқини натижасида Ғарбий Бенгалияда яна бир муаммо юзага келди. Бу озиқ-овқат ва бошпананинг етишмаслигидир. Аҳвол шу даражага бориб етганки, одамлар бир-бирини калтаклаб, озиқ-овқат талашмоқдалар. Ҳатто, аҳолининг баъзи вакиллари овқат тарқатаётган ҳукумат одамларини ваҳшийларча дўппослаб, озиқ-овқатни тортиб олаётдилар. Шунингдек, озиқ-овқат ортилган юк машиналарини ёки ундаги егуликларни ўғирлаш ҳолати кўп мартаба юз берди. Натижада маҳаллий полиция қурол ишлатишга мажбур бўлмоқда.

НАТАНЯХУ ҲОКИМИЯТГА ҚАЙТМОҚЧИ

Исроилнинг собиқ бош вазири Бенямин Натаняху ҳокимият тепасига қайтишини айтди. Унинг бундай қарорга келишига сабаб, унга Исроил суди томонидан қўйилган айбловларнинг бекор қилиниш эҳтимоли борлигидир. Собиқ бош вазир коррупцияда айбланаётган эди. Кўпгина исроиллик мутахассисларнинг таъкидлашича, Натаняху ҳокимиятга қайтгач, "Ликут" партиясининг ҳозирги раҳбари Ариел Шарон билан мазкур партиёга етакчилик қилиш учун кураш олиб бориши мумкин. Исроилдаги оммавий ахборот воситалари ва халқаро мутахассисларнинг айтишича, Натаняху ҳокимиятга қайтса, ҳозирда кескин бўлиб турган Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда ижобий ўзгаришларга эришилади.

ДАНИЯ КРОНАСИ ЕВРОГА АЛМАШАДИМИ?

Ўтган ҳафтада Данияда ушбу мамлакатнинг миллий валютаси кронанинг Европа пул бирлиги бўлмиш еврога алмаштириш бўйича референдум ўтказилди. Референдумда Дания аҳолисининг кўпчилиги кронанинг еврога алмаштирилишига мутлақо қарши чиқдилар. Даниянинг пул бирлиги сифатида евронинг қабул қилиниши ёки қилинмаслиги энди номаълум бўлиб турибди.

Айни вақтда Европанинг 11 та давлатида евро ушбу мамлакатларнинг пул бирлиги сифатида қабул қилинган.

ДУҢЁДАГИ ЭҢ КАТТА ҚУШ ҚУШЛАР



Ер юзидаги энг катта қуш бу умуман учишни билмайдиган туяқушдир. Туяқуш Африка ва Австралияда яшайди. Унинг бўйи икки ярим метрга етади, оғирлиги эса 135 килограммдан ортиқ.

Катталиги бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи қушларнинг номлари албатрос ва кондордир. Ҳавода учганда, бу икки қушнинг қанотлари жуда узоққа ёйилади ва улар қанотлари энг узун қушлар ҳисобланади. Албатрос ва кондор қанотларининг узунлиги ёйилганда 3,5 метрга етади.

Қанотининг узунлиги ва ўзининг катталиги бўйича дунёда учинчи ўринда турувчи қуш қирол грифидир. У Жанубий, Марказий Америкада ва Мексикада яшайди. Қанотларининг узунлиги 3 метрга етади.

Катталиги ва қанотининг узунлиги бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда турувчи қуш оқ пеликандир. Қанотларини ёйганда 2,5 метрга етади. У асосан Канада ва АҚШда яшайди.

Ҳажми жиҳатидан ҳамда қанотининг узунлиги бўйича 5-ўринда турувчи қуш дрофа деб аталади. Унинг кўриниши гозга ўхшаб кетади. Дрофа асосан Европа, Осиё ва Африкада яшайди. Қанотларининг узунлиги 2,5 метрдир.

Улканлиги бўйича дунёда олтинчи ўринда турувчи қуш бургутдир. Қанотининг узунлиги 2 метрга етади.

Еттинчи ўринда катталиги бўйича турувчи қуш турнадир. Унинг қанотлари 2 метргача етади.



ЎИРТҚИЧ ЁКИ ҲАШОРАТХЎР ЎСИМЛИКЛАР

Бундай йиртқич ўсимликлар асосан АҚШ ва Канадада ўсади. Илмий тилда уларни Сарраценциялар дейилади. Канадада эса бу каби ўсимликларни турлича аташади: “Аскар пиласи”, “Шайтоннинг этиги”, “Ов шоҳи”, “Кўза ўсимлик” ва ҳоказо. Лекин бу ўсимликка “Кўза ўсимлик” деган ном кўпроқ тўғри келади. Чунки кўринишидан у кўзага ўхшайди, гулининг ранги эса қизил бўлади. Бу ўсимлик ҳақиқатдан ҳам йиртқич бўлиб, ҳашоратлар билан озиқланади. У мафтункор қизил ва яшил ранги ҳамда ичидаги ширали нектари билан ҳам ҳашоратларни ўзига жалб этади. Турли ҳашоратлар бу ўсимликнинг ширасидан тановул қилмоқчи бўлиб, ўзлари унинг емишига айланадилар. Ҳашоратлар “Кўза ўсимлик”нинг ичига кўниб, ширасидан татийдилар, сўнг ташқарига чиқмоқчи бўлсалар, ўсимлик тиканлари билан уларни чирмаб олади ва кўзанинг ширага тўла тубига тортиб олади. Ана ўша ерда бу ўсимлик ҳашоратларни еб, ҳазм қилади.

Бундай йиртқич ўсимликлардан яна бирининг номи росянка бўлиб, у ҳам ҳашоратхўр ҳисобланади. У асосан Россиянинг шимолида, ботқоқлик жойларда ва Жанубий Америкада ўсади. Унинг хусусияти шундаки, росянканинг ҳамма ери шилимшиқ ва суяқ бўлади.

Ҳашоратлар чанқоғини босиш учун ўсимликка келиб кўнади ва ёпишиб қолиб, унинг ўлжасига айланадилар. Росянка асосан пашшаларни тутиб ейди. Росянканинг 80 хили бор. Жанубий Америкада дунёдаги энг катта - гигант росянка ўсади. Уни “Қирол росянкаси” деб аташади. У ҳатто унча катта бўлмаган жониворларни ҳам тутиб ейиши мумкин.



ТАРВУЗНИНГ ВАТАНИ

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида муздеккина, чанқоқбосди тарвуздан тотлироқ нарса бормикин?

Табиатнинг бу инъоми инсонларга 4000 йилдан бери ёқиб келмоқда. Тарвуз дастлаб тропик Африкада пайдо бўлиб, сўнг бошқа худудларга тарқалган. Шу сабабли ҳам тарвузнинг ватани Африка ҳисобланади. Африканинг иссиқ иқлими тарвузнинг етилиб пишиши учун жуда қулай бўлган.

Қадимги санскрит тилида “тарвуз” маъносини англатувчи сўз бир қанча манбаларда учрайди. Шунинг билан бирга тарвузни тасвирлаб чизилган қадимги Миср суратлари Британия музейида сақланмоқда. Юқоридаги тарихий манбаларга асосланган ҳолда, биз бемалол тарвузни 4000 йил аввал пайдо бўлган дейишимиз мумкин.

Тарвуз қовунга қараганда сувлироқ бўлади. Бодринг каби тарвузнинг гули ҳам кўнғироққа ўхшаб кетади. Баъзи тарвузларнинг оғирлиги 20 килограммдан ошади. Тарвузнинг пўстлоғи қаттиқ бўлиб, ранги йўл-йўл яшил, тўқ яшил, оч яшил бўлиши мумкин. Ичининг ранги эса баъзида қизил, пушти ва тўқ қизил бўлади. Тарвузнинг шакли қовунга ўхшайдиган нави ҳам бор, у “моҳигул” деб аталади.

Тарвузнинг пишиши учун иссиқ ҳаво жуда зарурдир. Уни ерлар анча исигандан кейин, совуқ эҳтимоли бўлмагандан сўнг экадилар. Тарвузни уруғидан экиб, кўпайтириш ҳам мумкин. Унинг сиртидаги пўчоғини шакар билан қайнатиб, мураббо тайёрласа ҳам бўлади.



ФЛОРА ВА ФАУНА

ТЎРТКЎЗЛИ БАЛИҚ



Тўрткўзли балиқ фақатгина Марказий Америкада яшайди. Унинг узунлиги бор-йўғи 20 см. Кўзининг тўртталиги туфайли бу балиқ сув остида ҳам, сув юзасида, яъни очиқ ҳавода ҳам ҳамма нарсани бемалол, яққол кўра олади. Чунки сув остида ранглар умуман бошқача кўринади, яъни сув остида кўриш учун кўзлар сувга мослашган бўлиши керак ва аксинча, ҳавода ҳам худди шундай. Икки кўзли балиқлар эса, сув юзасида, яъни очиқ ҳавода деярли ҳеч нарсани кўрмайдилар. Тўрткўзли балиқнинг икки кўзи сув остида ва яна иккитаси очиқ ҳавода барча нарсани тиниқ кўра олишга қодир. Унинг тўрттала кўзи ҳам барча балиқлар каби юзининг иккита тарафида бирлашган ҳолда жойлашган. Кўзларининг тепа қисми билан сув юзасини, кўзларининг пастки қисми билан сув остини кўради. Тўрткўз балиқ асосан сув юзасида озиқланади. У секин-аста сузган ҳолда сув юзасида учиб юрган ҳашоратларни тутиб ейди. Тўрткўз балиқнинг бошқа балиқлардан яна бир фарқи, унинг урғочиси тухум ёки икра кўйиб, бола яратмайди. Балки, урғочи тўрткўзнинг болалари унинг қорнидаёқ ривожланади, сўнгра дунёга келади.



ТИМСОҲНИНГ АЛЛИГАТОРДАН ФАРҚИ БОРМИ?

Тимсоҳлар сувда яшовчи жонивор бўлиб, кўринишидан улкан ва баҳайбат калтакесакни эслатади. Улар жуда қадим замонлардан бери ер юзида яшаб келмоқдалар.

Тимсоҳларнинг 24 та тури бор ва уларни асосан тропик худудларда учратиш мумкин. Бу йиртқич жониворлар секин оқадиган дарёларда ва қуёш нурунинг таъсиридан илиқ бўлиб турадиган сувларда яшаб, озиқланадилар.

Тимсоҳларнинг танаси қуйидагича ўзига хос кўринишга эга: бутун танаси қалин, нотекис ва дағал тери билан қопланган бўлиб, боши ва танасининг орқа қисми қаттиқ суяклар билан ҳимояланган. Гарчи тимсоҳ бу қадар даҳшатли кўринишга эга бўлса-да, у бутун ҳаёти давомида жуда секин ҳаракатланади. Фақат ов қилаётган пайтидагина тимсоҳ тез ҳаракат қилади.

Барча тимсоҳлар тухум кўйиш орқали кўпаядилар. Урғочи тимсоҳ 20 тадан 100 тагача тухум кўйиши мумкин ва уларни фақат иссиқ кум ичига кўмади. Тимсоҳнинг тухумлари ва ундаги жажжи тимсоҳчалар кўпгина йиртқич қушлар, ҳайвонлар учун мазали овқат ҳисобланади. Шунинг учун она тимсоҳ кеча-ю кундуз тухумларини кўриқлайди ва фақатгина емиш топиб келиш учун уларни оз муддатга тарк этади. Тимсоҳчалар тухумдан чиқишлари билан сувга югурадилар ва мустақил ҳаёт кечиришни бошлайдилар.


Тимсоҳларнинг узунлиги 10 метргача етиши мумкин. Тимсоҳларнинг энг кичик тури “шакар” номли тимсоҳ ҳисобланиб, унинг узунлиги 3 метрдан ортиқдир. “Шакар” тимсоҳлари фақат Жанубий Америка дарёларида яшайдилар ва балиқ, моллюска, ҳатто қушлар билан ҳам озиқланадилар.

Аллигатор - бу улкан рептилия бўлиб, у ҳам тимсоҳлар оиласига мансубдир. Аллигаторлар тимсоҳларга жуда ўхшаса-да, лекин улардан фарқли кўринишга эга.

Аллигаторларнинг бошлари жуда катта, кенг ва текис бўлади, жағлари ҳам бақувватдир. Узунлиги ҳам тимсоҳлардан фарқли равишда 4,5 метрдан ошмайди.

Аллигаторларнинг икки тури бор: АҚШнинг жануби-ғарбида яшовчи Америка аллигаторлари, ҳамда Янцзи дарёсида яшайдиган Хитой аллигаторлари. Хитой аллигаторлари унча катта бўлмайди.

Аллигаторларнинг асосий овқати - балиқлар ва майда сув ҳайвонлари. Аллигаторлар овга кўпинча тўда-тўда бўлиб чиқадилар. Баъзида улар паст дарахтлар устига чиқиб, қуёшда исинадилар. Аллигатор тимсоҳ каби ердан кўра, сувда ўзини эркин ҳис қилади ва тез, шовқинсиз сузади. Аллигатор қафас ичидаги ҳаётга тез ўрганиб кетади, шунинг учун ҳам уларни кўплаб ҳайвонот боғларида учратишимиз мумкин.



ЛАРИСА ОПА ҚҶШИҚ КҶЙЛАЯПТИ...

Гўзал ва дилбар қўшиқ! Бу - украин қизининг Она юртимизга бўлган фарзандлик меҳри йўғрилган садоқат қўшиғи.

- Телевидение ҳам санъат, - дейди биз билан суҳбатда "Муסיқа" тахририятининг етакчи режиссёри Лариса Иноземцева. - Телевидение - Маънавият қўшиғини куйлаётган санъат! Бу қўшиқ ижроси бошланганига яқинда 9 йил тўлди. Илоҳим, шу қўшиқнинг умри узун бўлсин! Мустақиллигимиз мустақамланаверсин!

БОЛАЛИГИМ-ПОШПОЛИГИМ

- Бундан 40 йил олдин телевидение эндигина оёққа тураётган пайтлар эди, - дея эслайди Лариса опа, - ўшанда мен 18 ёшда эдим. Мустақил ҳаёт йўлига қадам қўяётган пайтларим. Ниятим зўр - журналист бўлиш! Лекин биринчи йили ўқишга киролмадим. Омадим чопмади!

- Болаликка ичкарироқ "қирсақ", нима дейсиз?

- Юринг, бўлмаса!
Ўзим Украинанинг Луганск шаҳрида туғилганман. Ў жаҳон уруши айни қизган пайтларда бизни Ўзбекистонга кўчириб олиб келишди. Онам, бувим ва бобомлар билан биргаликда. Дадам фашист босқинчиларига қарши жанг қилаётган эдилар.

Ўша кунлар ҳеч ҳам ёдимдан чиқмади: бизни ўзбек хонадонлари ўз бағирларига олишди. Ўзбекча кийиниб, ўзбекча сўзлашадиган бўлдим. Тандирда нон ёпишни ўргандим. Қўйингки, ўша тотган тузим туфайли тақдирим Ўзбекистон тақдирини билан чамбарчас боғлиниб қолди!

- Қайси маҳаллада яшагансиз?

- Тошкентнинг Соғбон кўчасидаги Каллахона гузаридан бошпана топганмиз. Оҳ, укажон, ўзбеклардан меҳр-оқибатли, диёнатли халқ дунёда йўқ!

- Қайси мактабда ўқигансиз?



Лариса ИНОЗЕМЦЕВА ёш суҳандон Насиба Камбарова (чапда) билан

- Аввал ўша пайтдаги 26-мактабнинг бошланғич синфларида, юқори синфларни эса 46-мактабда тугаллаганман.

КҶНГИЛ КҶЧАЛАРИ

- Энди гапнинг индаллосига келдик. Ўқишга киролмабсиз. Кейин нима бўлди?

- Ҳа, энди, болаликнинг "кўнгили кўчалари" да айлантинг, дедингиз-ку! Бир оз айланайлик-да!

- Лариса опа қизиқчиликка ўтди.

- Айланасанг айланавермади!

- Шу десангиз, болалигимда қизиқишим зўр эди. Муסיқа, қолаверса муסיқали драмалар ишқибози эдим. Эски жўвада ёзги театр бўларди. Пушкин боғида ҳозир у Абдулла Қодирий номи билан аталади. Шу ёзги театр биноси деворларига тирмашиб чиқиб олиб, мазза қилиб концертларни томоша қилар эдик. Ўша пайтда Фароғат Раҳматова, Маҳмуджон Фафуров ижросидаги "Тоҳир ва Зухра" муסיқали драмасы менга ёд бўлиб кетган!

Боғ доим одамлар билан гавжум бўларди. Дарбозлар чиқишлари, цирк томошалари ҳеч эсимдан чиқмайди. Болалигимнинг ҳар бир кунини байрам эди.

- Санъатга бўлган иҳлосингиз болалик даврингизда шакланган экан. Мактабда-чи, мактабда тўғарақларда қатнашгандирсиз?

- Бўлмасам-чи! Адабиёт ва рақс тўғарақларининг доимий шинавандаси эдим. Ўзбек адабиёти, миллий рақслари мени ўзига оҳанграбодек тортар эди! Ўша пайтларда бетакрор истеъдод эгаси Ботир Зокиров қўшиқлари, Луиза Зокированинг "Наманганнинг олмаси" қўшиғи доимий ҳамроҳим эди. Ўзимча яйраб-қуйлаб юрардим-да!

- Мактабда қандай баҳоларга ўқигансиз?

- Яхши ва ағло баҳоларга. Айниқса, иншо деганини "қийиб" юборар эдим. Мактабни битирганимдан кейин ТошДУнинг журналистика куллийтига ўқишга кирмоқчи бўлдим. Лекин, ҳали айтга-

нимдек, биринчи йили "йиқилдим".

- "Қаттиқ" йиқилмадингизми ишқилиб? - дейман Лариса опага ҳазил тариқасида.

- Ёмон йиқилдим! Жуда қаттиқ таъсирландим, касал бўлиб ётиб қолдим, айланай! Шундай хафагарчиликда юрган пайтимда қўшимиз "Баҳор" ансамблининг энг олди раққосаси Мўтабар Йўлдошева: "Кўпам сиқилаверма, кейинги йили ўқишга албатта кирасан, ҳозирча шу телевидениеда ишлаб тур", деб, мени шу кадрдон ишхонамга олиб келди. Ўзи мени йўлакда қолдириб, ичкарига кириб кетди. Ўйланиб ўтирибман: "Бу ёғи энди нима бўлар экан?" деб.

ОҚИЛ АКАНИ "ҚИЙНАГАН" ҚИЗ

Шу пайт ёнимга бир одам келиб ўтириб олди.

ТАҚДИР ҚҶШИГИ

...ВАТАН. Шу биргина сўзнинг замирида олам-жаҳон маъно мужассам.

Агар айтсанг уни муфассал, сўз етмагай жиололарига, куй етишмас булбули гўёларига!

МУСТАҚИЛЛИК! Шу улғу неъмат шарофати ила кўксимиз тоғ бўлди,

Армон кенгликлари чаман-чаман боғ бўлди.

Ватаним, шу шарофат туфайли Ўзбекистон Республикаси номини олдинг.

дунёга кўз-кўздир сенинг иқболинг! Юлдуз Усмонова куйлаётганидек:

"Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!"

Ўзбек халқи турли миллат вакиллари. Аммо ундаги ҳар битта инсон қамишдан бел боғлаб сенга гиргитон! Салобатинг, салоҳиятинг, юртбошимиз тимсолида бўлди намоён.

ЎЗБЕКИСТОН! Сен менинг тақдир қўшиғимсан, мен сенинг ошиғингман!

Мен билан суҳбатлаша бошлади. Кўринишимдан мени рус қизи деб ўйлади, қийналиб русча гаплашди. - "моё, твоё" деганда... мен эса ўзбекчани "сув қилиб" ичиб юборганман. Сездирмадим! У кишини "қийнайвердим"... охири бечорага раҳим келди - ўзбек қизига "айландим". Менинг талаффузидан ёнимдаги кишининг оғзи ланг очилиб қолди! Кейин билсам, у киши муסיқали кўрсатувлар Бош редакциясининг раҳбари Оқилхон ака Қалиев эканлар! Кейинчалик эслашиб кулишиб ҳам юрдик.

- Жа қизиқ бўлган экан-ку!

- Вой, секин айтасизми, ўргилай.

- Шумтака экансиз-да, болалигингизда ўзиям-а?

- Ҳа, энди "қозонда бори"-да!

- Ҳозир ҳам баъзи бир аломатлари бор...

БОЛАЛИК ҲЕЧ ҚАЧОН ЭСКИРМАЙДИ

Лариса опа бир оз вазмин шижоати билан кишини эзгу ишларга ундайди.

- Оқил акани "қийнаганингиз"дан кейин нима бўлди?

- Бир ҳафтадан кейин келгин, менда режиссёр ёрдამчиси ўрни бор. Ишга оламан, - дедилар. Мен ҳазиллашяяптилар, деб ўйлабман! Йў-ўғ, рост экан! Мен эса қайсарлигим тутиб: "Ишга киролмайман, ўқишга киришим керак" дедим. "Қизиқсанга, дедилар кулиб, бир йил бекор юрасанми?" Хуллас, аризамни ёздириб олиб қолдилар. Кейинги келишимда телевидение Бош муҳаррири раҳматли Убай Бурхонов хоналарига олиб кирдилар. У пайтларда Убай ака басавлат, пўрим кийинган киши эдилар. Ғайрат дегани вужудларидан ёғилиб турарди! У киши менинг нозикниҳол жуссамга разм солиб: "бу қизчанинг қўлидан нима иш келади?" дедилар. Оқил ака: "Бу қизча ўзбекчани қийворади!" дедилар. Убай ака дўриллаган овозда хохолаб кулиб аризамга қўл қўйдилар. Ана, ўша кундан то шу бугунгача телевидение менинг мўтабар қошонам. Ана шунақа айланай...

КАТТА АШУЛА

- Муסיқали кўрсатувлар тайёрлашининг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор, - дейман Лариса опага. - Шундай етук режиссёрнинг ўзи бўлмагандир?

- Телевидение "алифбоси" - режиссёр ёрдამчилигидан иш бошлаганим бу қийинчиликларни енгишимда жудаям қўл келди-да ўргилай. Аввалига анча қийналдим. Лекин атрофимдагилар ёрдამ беришди, меҳр-оқибат кўрсатишди. Мен ўша пайтларда Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измаилова, Саттор Ярашев, Карим Зо-

киров каби улғу инсонлар билан мулоқотда бўлдим. Озгина бўлса-да, уларнинг ҳурматига сазовор бўлдим.

- Ўқиш-чи, ўқиш нима бўлди?

- Ишга жойлашганимнинг келаси йили имтиҳонларни муваффақиятли топириб, кундузги бўлимга ўқишга кириб ҳам олдим! Кимсан - бўлгуси журналист! Лекин, барибир ишдан бўшаи ҳақидаги аризамга Убай ака қўл қўймадилар. Аризамни йиртиб ташлаб, "сиртдан ўқийсан!" дедилар. "Вой, дедим йиғлаб, аям ишламайсан, деяртилар". "Ўзим ректорингга телефон қиламан, сиртқиға ўтказадим" Убай ака, қаттиқ дедилар.

Собиржон укам, сизга очигини айтайми?

- Айтинг-чи!

- Ўзим ҳам режиссёрлик ишига меҳр қўйиб қолган эдим! Сиртдан ўқиш давомида катта-катта концертлар, кўрсатувларни тайёрладим. Ўн йил ишлаб, мустақил равишда Ботир Зокиров ҳақидаги фильм-концертни яратиш менга насиб этганидан беҳат бахтиёрман.

ҚҶШИҚҚА АЙЛАНГАН УМР

- Мен бахтли тақдир соҳибасиман! Шу кунга қадар санъатимиз юлдузлари ҳақида қатор-қатор кўрсатувлар, видеофильмлар тайёрладим. Улар халқимизга ёқди! Демак, меҳнатим бекор кетмайди!

- Иш жараёнида иккиланган пайтларингиз ҳам бўлганми?

- Бўлган! Яшириб нима ҳам қилдим?

Яқинда Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубовнинг "Дилором"

тангосини тасвирга тушираётган пайтимда бўлди, бу ҳолат. Мен Фуломжонга: "Қўшиқ оҳанги сағал гарбга яқинроқ бўлиб қолибдими, халқимиз уни қандай қабул қилар экан?" дедим. У эса "Қўрқманг, Лариса опа, миҳдек чиқади!" деди. Айтгани келди! Қўшиқ шайдолари яхши қабул қилишди.

- Ҳозирги кунда қандай ишлар билан шуғулланаяпсиз?

- Э, иш кўп, азизим!

- Яхши ҳам "иш-и!" деб қўйган экан, "ҳиҳ-ҳ!" деганда борми...

- Ҳа-ҳа-ҳа жуда ҳам тўғри!

- Шундай қилиб...

- Шундай қилиб, бош қашигани қўл тегмайди.

Ўзбекистон халқ артистлари Раъно Шарипова ҳақида "Санъатим-саодатим", Маҳмуджон Азимов ҳақидаги "Ойдин қўшиқнинг йўллари" деб номланган видеофильмларим ниҳоясига етмоқда. Ҳафтасига эса шоира Муяссар Отажонова билан "Якшанба оқиомида" Орзугул Сафарова билан "Аёл қалби" кўрсатувларини тайёрлаётман.

- 4-каналда Наина деган, худди сизга ўхшаб кетадиган бир қиз ишлар экан. Сиз уни танийсизми?...

- Вой, қизиқчи-ей! Ахир у - менинг қизим-ку!

- Шунақа денг? - дейман сир бой бермай.

- Қизим Наина Аминова ўша каналда режиссёр ассистенти-да! Ёши 21 да.

- Мен эса уйланганман. Иккун қизим, бир ўғлим бор. Кўқонда туришади.

- Оҳ-хо мenden ҳам "шумтака" роқ экансиз-ку айланай!

- Ҳа, энди "чўмичга чиққани"-да!

- Соғ бўлинг, азизим. Оилангиз ҳам соғ бўлишин. Мен шунчаки изимдан келаётган қизим борлигидан фахрланиб қўйдим-да!

- Биласизми, Лариса опа, мен ҳам сиз ва сиз каби кадрдонларим билан фахрланаман! 1998 йили Президентимиз Фармонлари билан Сизга "Халқлар дўстлиги" ордени берилганини эшитиб қанчалик қувонганимни билсангиз эди!

- Раҳмат, азизим! Сизга ҳам шундай унвонлар насиб этсин! Мен жуда ҳам бахтлиман! Шу элни, шу халқни севаман. Эски шаҳаримни севаман! Ўзбек халқидек бағри кенг бебаҳо Президентини бўлган Ўзбекистонни севаман. Севиши ҳам, севилиши ҳам БАХТ, шундай эмасми!

- Жуда ҳам тўғри! Доимо соғ бўлинг, омад Сизга ҳамини ёр бўлсин, Лариса опа! Тақдир қўшиғингиз авж пардаларда жаранглайверсин.

Собир ЖАББОР.



Хонанда Кумуш Раззоқованинг илк чиқиши

Ватанни қандай тушунасиз?

Бу саволни мингта одамга берсангиз минг хил жавоб олишингиз мумкин. Ҳар ким ўз дунёқарашидан, савиясидан келиб чиқиб жавоб беради. Кимдир севимли шоирнинг шеърини ўқийди, кимдир баландпарвоз гапларни айтади. Ватанни онага, тугилган уйинга ҳам қийслаш мумкин. Ватанингни қанча таърифласанг ҳам нимадир камдек, нимадир етишмаётгандек туюлади.

Биринчи марта Ватан мавзуида иншо ёзганимда шоирларнинг Ватан ҳақидаги ҳамма шеърларини ўқиб чиқдим, баландпарвоз гапларни дурдек тиздим. "Мен Ватанни тушундим", деб ўйладим ўшанда...

1999 йил 16 февраль. Президентимизнинг ҳаётига қасд қилишди. Газандаларнинг манфур нияти амалга ошмади, эл севган юртбошини оллоҳ ўз паноҳида асради. Шунда мен яна тушундим: гулаётган юртни, жипс яшаётган халқни, Улуғ Ватанимни кўролмайдиган ганимлар, юртфурушлар бор экан. Кекса бобо-бувиларим, ота-оналарим каби менинг кўнглимни ҳам хавотир чулғади, ғазабим ошди. "Мен Ватанни кўпроқ тушундим", - деб ўйладим яна...

Юртфурушлар, бойиш истагида ҳеч нарсадан тортмайдиган кимсаларнинг ялоқхўрлари яна кўзгалди: 2000 йил август ойида бир гуруҳ террористларнинг Ўзбекистон ҳудудига суқулиб киргани ҳақида шум хабар тарқалди. Яна бир неча кундан кейин эса зангори экранда ўша газандаларнинг ўлаксахўрларга ем бўлиб ётган жасадини кўрдим.


Лекин уруш қурбонсиз бўлмайди. Ватан ҳимоясида 12 баҳодир акам шахид кетди. Шунда мен ўзимдан сўрадим: "Лозим бўлса мен ҳам уларнинг сафида тура оламанми?" - "Ҳа", - деб жавоб берди юрагим. Шунда Ватанни энди тушундим, деб ўйладим. Яна бир англаганим шу бўлдики, Ватан умр бўйи тушунилар экан: Она қорнидан тушиб то шу киндик қоннинг томган тупроққа қўшилиб кетганига қадар.

Менинг ота-онам менинг ёшимда ёзда бир ой гўза ўтоғига, кузда эса уч ой пахта теримига чиққан. Чунки ўзбекистонлик пахтакорлар, бутун Ўзбекистон собиқ СССРнинг тўқимачилик корхоналарини пахта билан таъмирлаш лозим бўлган. Ўша вақтда кимдир уларга "Ҳали шундай вақтлар келадикки, ўқувчилар куз изғиринида дийдираб пахта термайдилар", - деб айтса, сираям ишонмаган бўлар эканлар.

Ҳозир шундай бўлди. Ўзбекистон ҳозир ҳам пахта етиштиряпти. Пахта етиштиришда жаҳон бўйича тўртинчи ўринда туриб, сифати бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турадиган оқ олтинни ўнлаб чет давлатларга сотаяпти. Фақат мен ва менинг тенгдошларим ота-оналарга ўхшаб далаларда тиззадан лойга ботиб этак судраб юрганимиз йўқ. Замонавий синф хоналарида ўтириб, лингафон

ВАТАННИ ТУШУНИШ

билан чет тилларни ўрганаёلمиз, компьютер билан тиллашяёلمиз. Ака-опаларимиз "Умид" гранти билан Оврупа мамлакатларининг машҳур дорулфунинларида таҳсил олаётдилар. Бу имкониятни бизга Мустақиллик берди, Юртбоши берди, Ватан берди. Биз энди англаймизки, 1991 йил 1 сентябр Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганида бизнинг бахтимиз,



миз, келажакимиз ҳам эълон қилинган экан.

Мен бу йил ўрта мактабни тугатаман. Келажак ҳақидаги режам аниқ: ўзим танлаган мутахассислик бўйича олий таълим даргоҳида ўқийни давом эттираман. Менга ўхшаган ҳар бир ёшнинг ўз келажак ҳақида аниқ режаси, эртанги кунга ишонч бўлса керак. Чунки, бугун ҳар қадамда барча қулайликларга эга бўлган Академик лицей ва коллежлар, техника билим юртлари, олий таълим масканлари бор. Марҳамат, ўқийни давом эттиришинг мумкин. Тегишли малакани олиб, ишлашни истаган, турли корхоналарда ишлаб ўзбек пахтасидан тикилган кийимни яратишда иштирок этасан. Ватанингдаги заводнинг контейнеридан чиқаётган ўзбек автомобили муруватини бурайсан. Қобилиятинг бўлса, илм билан шуғулланиб, ўзингни нонингни, Ватан нонини дунёга

танитишинг мумкин. Қобилиятинг, илминг ва ақлинг қанчалик кўп бўлса, Ватан равнақида шунчалик кўп улуш қўшасан.

Худо хоҳласа, давлатимиз гамхўрлигини ҳалол меҳнатим билан қайтараман. Президентимизнинг фарзандларимиз биздан кўра ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак деган умидни ҳам оқлашга ҳаракат қиламан. Зеро, бу имконият, бу ишонч учун биз қарздормиз - Ватан келажак, Мустақиллик келажак бизнинг қўлимизда. Бу олий неъматни билимдон бўлсангина асрай олишинг мумкин.

Халқимизнинг севимли хонандаси Юлдуз Усмонова куйлапти:

**Оқ йўракка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни.**

**Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.**

Унга бутун Ўзбекистон қўшилади:

**Адоийнг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!**

Бу қўшиқни ҳар сафар тинглаганимда кўз олдимда оппоқ кабутарлар учиб юрган мусарффо осмонимиз келади, юксак минбарлардан туриб, бутун дунёга тинчлик ўрнатишга даъват этаётган Президентимиз Иллом Каримов келади, Юртбошимиз сўзлари қулоғим остида янграйди.

Ҳар сафар бу қўшиқни эшитганимда кўз олдимга Ватан сарҳадларини қўриқлаётган чегарачи келади. Унинг ўрнимга ўзимни қўйиб кўраман. Кўз олдимга кўм-кўк яйловларда қўй боқайётган чўпон, тер тўқиб пахта етиштирайётган деҳқон келади. Бир зум чўпонга, пахтакорга айланиб қоламан.

Ҳар сафар бу қўшиқни тинглаганимда олис юртларда Ватан мадҳини яйратиб, хилираб кўтарилаётган Ўзбекистон байроғига тикилиб турган ғолиб спортчиларимиз намоён бўлади.

Шунда мен ҳам Ўзбекистонга қўшилиб куйлай бошлайман:

**Фидоийнг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!**

Кел тенгдошим, бирга куйлаймиз. Қўшиқ айтиш қобилиятинг, овозинг унчалик бўлмаса ҳам уялма. Фақат Ватанни севсанг бўлди. Ундан ифтихор қилсанг бўлди. Шунда қўшигимиз баланд янграйди. Уни дўст ҳам, душман ҳам эштади. Келинг, ҳаммамиз бирга куйлаймиз:

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Нафиса АБДУЛЛАЕВА,

Тўрткўл туманидаги 30-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

**Ўқитувчиларингиз
иқсоидиган**



**МАКТАБ ҲАҚИДА
ТОПИШМОҚЛАР**

Қоп-қора бўлиб, турар ўзи,
Қор каби оппоқ, завқли сўзи.
(Б.Ю.О.Д.)

Қулоқли игна, ҳеч йўқ кўзи,
Лек чизувчига ўртоқ ўзи.
(М.Ҳ.Қ.И.Ш.)

Сузанадай туради кунда,
Нақадар кенг олам бор унда.
Одам юрмайди йўлларида,
Балиқ овламас, кўлларида.
(А.И.Қ.И.Ҳ.)

Тарвўзсимон тилинмас,
Оёғи бор, илинмас.
Дарёсиз кўриб ўзинг
Сувини кўрмас кўзинг.
(Э.Қ.О.П.)

Овози йўқ сўзлайди
Дўстларини кўзлайди.
Завқланиб олсанг қўлга
Бошлайди тўғри йўлга,
Устозим дейсан ўзин,
Серҳикмат дейсан сўзин.
(Д.О.И.Ҳ.)

Юз оғайни бир жойда яшар,
Улар бир-бирига ўхшар.
(Қ.Т.М.И.Т.И.Н.О.)



Ўроққа ўхшади, гапга солар,
Инсондек гапни билиб олар.
(Ш.С.И.С.Л.Д. Қ.О.Қ.Ў.)

Уч оғайнига ҳавасинг келур,
Оқ даласида отчаси елур.
(Е.О.Қ.О.В. Қ.О.М.Қ.Р.Д. И.Ў.)

Қантдай оқ, ҳеч ким эмас,
Ёзади қалам эмас.
(Қ.Ў.А.)

Меҳри бор-у, у она эмас,
Илм учоғин очмайман демас.
Олти ёшлига кучоқ очур,
Дуру гавҳарни кунда сочур.
(Д.Ы.Т.М.А.М.)

Бобомурод ЧОРИ ўғли
Сурҳондарё вилояти,
Ангор тумани.

ТҮРТ ОЁҚЛИ ДҶОСТ

Куз пайти эди. Ширкат хўжалигининг боғида бир ит болалади. Ҳазонрезги яроқлар билан чулганган оддий бир дарахт тағидаги кавакда кўз очган олти нафар кучукча ўзларини ялаб-юлқайётган меҳрибон жониворни ҳали танимас эдилар - кўзлари юмук эди. Лекин оналик тафти барқ уриб турган вужуддан сўт ҳиди келиб турар, улар тимирскланиб, бир-бирининг устидан ошиб пахмоқ юнгли танага ёпишар эдилар. Она ит бахтиёр эди. Бунгача у қаровсиз, дайди ит эди. Уни қаранг-ки, у энди ёлғиз эмас. Бу унинг учун ҳақиқий БАХТ эди!

Бағрида кўксини ийдириб олти нафар тирик ва мўъжаз жон унинг кўксига ёпишганида кўзлари юмилиб-юмилиб кетар, бамайлихотир чўзилиб, бутун борлигини уларга топшириб қўйган эди...

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Кучукчалар кўзи очилиб, кавакдан ташқарига алпон-талпон илиб чиқа бошладилар. Кузги қуёшда тобланишининг ҳам ўзига хос гашти бор-да! Кавакдаги захдан қуёш нури ағло!

Шундай кунлардан бирида олтовлоннинг ичидан "ола"си чиқиб қолди. Вужуди оқ, тумишуги қора бу зумраша қишлоқни сайр қилишни хоҳлаб қолди.

-Ие, анови кучукчани қаранглар! - ўртоқлари билан ўйнаб юрган Омоннинг кўзлари чақнаб кетди. - Ўзи оппоғу, тумишуги қора экан!

-Эй, қўйсанг-чи, ит дегани тикилиб ётибди-ку! - чилдак ўйнаётган ўртоқлари ундан ажралишни хоҳлашмади.

-Кучукча менга ёқиб қолди! - деди Омон дадил. -Мах-мах, юр мен билан!

Кучукча унга эргашди - Омон билан қадрдон дўст бўлиб қолди.

Ойбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тошкент, 284-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.





Билан 2000 йилнинг шижоли

Хоразмнинг Боғотини боғлар маскани дейишади. “Боғот” сўзининг луғавий маъноси ҳам айнан шуни англатади. Унда яшовчи одамлар табиати ўзига хос. Кўнглида жиндек истеъдоди пайдо бўлган боласи боғлардек гуркираб ўсишига интилади.



Ҳамро Рўзиматов номли ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Хушнудбек Алланазаровнинг соддагина гурнглари тинглари эканми, кўнглимизда ана шундай фикрлар кечди. Кўзларида улкан орзулар чақмоқдай чарақлаб турган бу болакай ҳали уч яшарлик пайтидаёқ Тўмарис сувратини чизганини эшитиб хайратландик.

“Ўғлимиз 3-4 ёшидаёқ деворларга, йўлакларга соддагина манзара-

ларни чизиб юрар эди”, - дейди ёш мусаввирнинг қиблагочи Эргаш Алланазаров. - Хушнудбекнинг, айниқса, маҳалла-кўйда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар ҳақида расм чизиши бизни ҳайрон қолдирарди.

Дарвоқе, тарих фанининг ривожланишида тасвирий санъатнинг алоҳида ўрни бор. Ўтмиш воқеалари баъзан ҳар хил суратлар орқали ҳам тадқиқ қилинади. Хушнудбекнинг чизган суратлари ҳозирча ўз болалигидан ёдгор бўлиб қолувчи



жоним” каби суратларида ёш рассом маҳорати кўзга ташланди.

Ҳали айтганимдай, Найман шаҳар ва туман марказларидан йироқдаги гўша.

“Истардимки, туманда ёш рассом-

Ушбу рассом бўлганми?

мўъжас тарихлардир. Бу тарих келажакда Ватан тарихининг абадийлаштиришда ўз кўмагини бериши табиий.

Хушнудбек яшаётган қишлоқ Хоразмнинг маркази бўлмиш Урганч шаҳридан роса олис масофада жойлашган. Найман деб аталувчи бу гўша Қорақум ёнбағирларига тутшиб турибди. Илон изи қишлоқ йўллардан ўтар экансиз, беихтиёр шу ерда жажжигина бир қалба истеъдод барқ ураётганидан гурурланиб кетасиз. Бу истеъдод тарихий онгдан озуқа олаётган экан, келажакда унинг ижоди сермахсул,

баракали бўлажакдан умидворлик қалба барқурди. Хушнудбек Алланазаров Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди каби халқ қаҳрамонлари сиймосини устозлар маҳоратидан ибрат олиб чизаяпти. “Биз тинчлик истаймиз”, “Ўлкам Хоразм”, “Тиш ювилмагач”, “Найманда”, “Она-

лар тез-тез йиғилиб, таниқли мусаввирлар билан учрашувлар ўтказиб борилса”, - дейди умидворлик билан Х. Алланазаров.

Хушнудбекнинг бу гапларидан ижодий муҳитга ташна эканлигини ҳис этдик. Ўйлаймизки, - “Камолот” жамғармасининг Боғот туман бўлими ва халқ таълимидагилар истеъдодли ёшлар дилидаги орзуларнинг рўёбга чиқишига ўз ёрдамини аямайдилар.

Эрпўлат Бахт
Хоразм



ПАХТАОУ


Paxtaoyim paxtaoy,
Dalalarga sen chiroy.
Dexqon bobo aytmoqchi
Etasan yurtimni boy.

Sen pokiza vijdonim,
Sen lo'ppi shirmoy nonim.
Doimo jo'shib turgan,
Tomirimdagi qonim.

Sen bizlarga oq libos,
Qalbimiz ham senga xos.
Nest-nobud etmay terib,
Xirmonga to'kamiz soz.

Dexqon bobo qalbidan,
Sen bugun joy olgansan.
Xalqimning yuragiga
Otashin cho'g' solgansan.

Sen doimo chaman bo'l,
Dalamda oy kabi to'l.
Muattarning baxtiga,
Xirmonlaring bo'lsin mo'l.



Muattar XAYITOVA,
Farg'ona viloyati, Beshariq
tumani, Furqat nomli
26-maktabning o'quvchisi

ONAJON

-Onajon, siz bahor faslida tavallud topgansiz. Sizni tavallud topgan kuningiz bilan tabriklash uchun har safar qanchalar taraddudlanaman. Bilaman, bilaman siz atirgullarni juda-juda yaxshi ko'rasiz, ammo hech ozor berib uzdurmaysiz. Go'yoki, ular ham taqdirilarida yozilganini ko'rib, achchiq-chuchuklarni boshlaridan kechirar emishlar. Mening mehribongina, o'jizaginam, bunday hayollar faqat sizdagina bo'lishi mumkin.

Yana o'ylab qolaman...Siz ortiqcha dabdaba va yolg'onchilikni yoqtirmaysiz. Agar ozgina yolg'onchilik qilib qo'ysak, shunchalar qattiq kuyasizki.., bu qanchalar yaxshi. Sizningcha rostgo'y odam hamisha hotirjam yashar emish.

Onajon, men sizdan behad shodman. Chunki siz menga o'z yoshligingizni, o'z go'zalligingizni bahshida etdingiz. Onajon, sizning ko'zingizdagi horg'inlik-mening ko'zimdagi chaqnoqlikdir. Onajon, sizning sochingizga oralagan qirovmening sochimdagi jilodir.

Shaxlo OTAXO'JAEVA,
Namangan viloyati, Chust
tumanidagi 12-o'rta maktab
o'quvchisi.



YULDUZLAR

Osmon to'la yulduzlar,
Biz tomon qaraydilar.
Qalbg'a yorug'lik solib,
Ajib nur taraydilar.

Ular osmon gullari,
Go'zallik ko'ngillari.
Kechamni yorug' etar,
Borlig'imni band etar.

Men ularni sevaman,
Garchi olis bo'lsa ham.
Bir umr gulhanida,
Olov bo'lib yonaman.

AMMAJON

Ammajonim ammajon,
Mehringiz olam jahon.
Hamma sizni sevadi,
Dildan xurmat qiladi.

Sizga atab she'r yozdim,
Salomat bo'ling doim.
Sizni doim qo'llasin,
Umr bersin xudoyim.



Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,

Йулдош САИДЖОНОВ,

Ойниса МУСУРМОНОВА,

Ҳотам АБДУРАИМОВ,

Мукаррама МУРОДОВА,

Суннатилла ҚЎЗИЕВ,

Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир

«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусхада босилди. Ҳажми 2
босма табоқ.
Буюртма - К-8354
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Феруза ОДИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.



Тел: 144-62-34.